



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 23 январь куни пахта етиштиришни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Бугунги кунгача пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан соҳага 5 миллиард 300 миллион доллар инвестиция киритилган, уларга 3 миллиард доллар имтиёзли кредитлар ажратилган. Кластерлар томонидан 4 миллиард долларлик 265 та лойиҳа ишга туширилиб, 300 мингта янги иш ўрни яратилган. Натижада пахта ҳосилдорлиги 30 фоизга ошиб, 26 центнердан 34 центнерга етди.

Лекин жойларда кластер ва фермерларни қийнаётган муаммолар ҳам бор. Жумладан, қўшилган қиймат солиғини ўз вақтида тўламаганлиги сабабли фермер хўжалиқларида пеня қарздорлиги вужудга келган.

7 мингта фермер пахта майдонларини насослар орқали сугоришга мажбур бўлаётир. Фючерс шартномалари тузишнинг охириг муддати белгиланмаган, шартномаларни рўйхатга олиш бўйича шаффоф тизим йўқ.

Йиғилишда соҳадаги шу каби муаммолар муҳокама қилиниб, зарур чоралар белгиланди.

Хусусан, пахта майдонларини насос билан сугориш учун кетган электр энергияси харажатларининг 50 фоизи қоплаб берилиши қайд этилди.

Ўтган йили ички бозорда минерал ўғит нархи ўртача 50 фоизга ошиб, танқислик юзага келган эди. Шу боис минерал ўғитларга божхона имтиёзларини яна 3 йилга узайтириш таклифи билдирилди.

Мутасаддиларга кластер ва фермерлар ўртасидаги шартномаларни тартибга солиш ҳамда ҳисоб-китобларни жойига қўйиш, пахта ва ғалла етиштиришни мувофиқлаштириб бориш бўйича кўрсатмалар берилди. Қўшилган қиймат солиғини ўз вақтида тўламаганлик учун фермер хўжалиқларига ҳисобланган пеналар, истисно тарихида, ҳисобдан чиқарилиши белгиланди.

Фючерс шартномаларини солиқ органларининг электрон ахборот тизимида рўйхатдан ўтказиш ҳамда Қишлоқ

хўжалиги вазирлигининг "Агроплатформа" ахборот тизимига интеграция қилиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, энди Нью-Йорк биржасининг ўртача ойлик фючерс котировкалари таҳлили Қишлоқ хўжалиги вазирлиги веб-сайтида эълон қилиб борилади.

Пахтачилик йўналишидаги илмий институтларни ишга солиб, чет элларда қўлланилаётган унумдор ва кам сув талаб қилувчи навларни маҳаллийлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда, умуман, қишлоқ хўжалигидаги жорий йилги вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Жумладан, 400 миллион долларлик 600 та лойиҳа ишга туширилиши, қўшимча 185 минг тонна сақлаш ва қайта ишлаш қувватлари ҳамда 33 та туманда агрохизмат марказлари ташкил этилиши айтилди.

Ипакчилик саноатида 3 триллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланиб, қарийб 110 миллион долларлик экспорт қилинмоқда. Лекин бу тармоқда салоҳият янада катта. Шу боис Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш кўмитасига бу йил 26 минг тонна пилла, 1,3 миллион дона қорақўл териси ва 40 минг тонна жун ишлаб чиқариш вазифаси қўйилди.

300 минг гектарда сув тежовчи технологиялар ўрнатиш, 200 минг гектар ерни лазерли текислаш режалаштирилган. 100 минг гектар экин ерларини тақсимлаб, 2 миллиондан зиёд аҳолининг бандлигини таъминлаш ҳам муҳим вазифалардан. Бу асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етарли бўлиб, бозорларда нарх-наво барқарор бўлишида ҳам аҳамиятга эга.

Шунингдек, юртимизда озиқ-овқат саноатида олий ва ўрта бўйин мутахассисларига эҳтиёж катта. Шунинг учун хорижий давлатлар тажрибаси асосида бу соҳада янги институт ташкил этиш таклифи маъқулланди.

Ў.А.

Поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди



Қорақалпоғистон Республикаси Тахياتош туманида кўп тармоқли марказий поликлиниканинг янги биноси фойдаланишга топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 22 январдаги "2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини изчил ривожлантириш, қишлоқ ва маҳаллаларни янада обод қилиш, жойларда қулай тадбиркорлик ва инвестиция муҳитини шакллантириш, шунингдек, иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳага инвестицияларни кенг жалб қилиш орқали янги иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, камбағалликни қисқартиришга эътибор қаратилмоқда.

Туман тиббиёт бирлашмасига қарашли кўп тармоқли марказий поликлиниканинг қиймати 5 миллиард 532

миллион сўмлик янги биноси "Сапсан строй сервис" масъулияти чекланган жамияти томонидан қуриб битказилди. Бу ерда 320 нафар тиббиёт ходими ҳудуддаги 73 минг 500 нафар аҳолига бирламчи тиббий хизмат кўрсатиши учун барча шароитлар яратилган. Кунига 150 нафардан ортиқ фуқарога тиббий хизмат кўрсатадиган муассасада ультратовуш, гастроскопия, травматология, жароҳлик, кардиология, неврология, стоматология хоналари ташкил қилинган. Ушбу мутахассисликдаги 40 нафардан ортиқ шифокорнинг аҳолига сифатли хизмат кўрсатиши учун замонавий тиббий ускуналар ва зарур анжонлар билан таъминланган, деб хабар қилади ЎЗА мухбири Довуд Абибуллаев.

Тадбир иштирокчилари янги бинода аҳолига яратилган шароитлар билан танишди.



ЎЗА фотомухбири Мақсад ҲАБИБУЛЛАЕВ олган суратлар.

ЖОЙЛАРДА АЁЗЛИ КУНЛАР ТАЛАФОТИ ҚАНДАЙ БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА?



Барчамизга маълумки, сўнгги кунларнинг энг долзарб масаласи – юртимизда ҳукм сураётган аномал совуқдан аҳолини асраш, газ, электр, иссиқлик таъминотида вужудга келаётган носозликларни ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўришдан иборат бўлмоқда. Бу борада юртимизнинг барча ҳудудларида тезкор гуруҳлар ва штаблар ташкил қилинган бўлиб, улар ёрдамида аҳоли мурожаатлари ўз вақтида бартараф этиляпти.

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ

Юртимизда бир неча кун давомида кузатилаётган аномал совуқда андижонликларни қийнаётган муаммоларни ечиш, уларга ёрдам бериш мақсадида Андижон вилоятида тезкор штаб тўзилган бўлиб, ҳозирда вилоят Ички ишлар бошқармаси биносида фаолият кўрсатиб келмоқда. Штабда 12 та мутасадди ташкилот масъуллари хизмат кўрсатмоқда.

Жумладан, Андижон вилояти қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси томонидан ҳам аҳолига амалий ёрдам кўрсатиш учун тезкор ишчи гуруҳлар шакллантирилди. Шунингдек, аҳоли мурожаатларини қабул қилиш, масъул ижрочиларга етказиш ва бажарилаётган ишларни мувофиқлаштириш бўйича 24 соатлик диспетчерлик штаби ташкил этилди.

Иссиқлик, ичимлик, оқова сув, электр ва газ таъминоти тизимларида юзага келган талафотларни бартараф этиш мақсадида 320 нафар ишчидан иборат 9 та тезкор авария таъмирлаш-тиклаш гуруҳлари йўлга қўйилди. Ишларни самарали ташкил этиш мақсадида жами 59 та махсус техника жалб қилинган. Ишчи гуруҳлар томонидан 52 та кўп квартиралли уй ҳамда 7 та ижтимоий соҳа объектида электр таъминоти тикланди. Авария пайтида жиддий зарар кўрган электр кабеллари янгисига алмаштирилди. 22 та кўп квартиралли уйлarning ертўла қисмидаги музлаб қолган қувурлари таъмирланиб, ишчан халатга келтирилди, 2 та уйнинг лифт ускуналари таъмирланди. Кўп қаватли уйлардаги 20 та электр шит, шу ҳудудлардаги 3 та трансформатор ускуналари янгисига алмаштирилиб, 15 таси таъмирланди.

Бундан ташқари, кўп квартиралли уйлар олдилари жойлардаги БСК томонидан қор ва музлардан тозаланиб, аҳолига қулайликлар яратилмоқда.

ДИҚҚАТ!

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИКЁСИДАГИ ТЕЗКОР ШТАБИДА

24/7

ИШ РЕЖИМИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТУВЧИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТИ ИШГА ТУШДИ.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ҚАЙСИ ХУДУДИДА БЎЛИШИНГИЗДАН ҚАТЪИ НАЗАР СОҲАГА ОИД МУРОЖААТЛАРИНГИЗ ЮЗАСИДАН ҚУЙИДАГИ РАҚАМГА МУРОЖААТ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН:

71-210-11-02.

